SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI!

O'ZBEKISTON OVOZI

• 2017-yil, 25-fevral. Shanba • 25 (32.240) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

ИНСОН МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ, ХАЛҚИМИЗ ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИНИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШ — БАРЧА САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРИМИЗНИНГ АСОСИДИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши билан яқиндан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 24 февраль куни Қашқадарё вилоятига ташриф буюрди.

Қашқадарё вилоятининг иқтисодий салоҳияти улкан. Бугунги кунда мамлакатимизда қазиб чиқарилаётган табиий газнинг 70 фоизи, нефтнинг қарийб 78 фоизи, газ конденсатининг 80 фоизи, ғалланинг 13 фоиздан ортиғи, пахтанинг 14 фоиздан зиёди ушбу вилоят ҳиссасига тўғри келади.

Вилоятда саноат изчил ривожланмоқда. Ялпи ҳудудий маҳсулотда бу соҳанинг улуши 38 фоизни ташкил этаётгани ҳам шундан далолат беради. «Шўртан нефть-газ», «Муборак нефть-газ» корхоналари, «Шўртан газ-кимё» мажмуаси, Муборак газни қайта ишлаш заводи, Деҳқонобод калийли ўғитлар заводи, Толлимаржон иссиқлик электр станцияси, «Ҳисор нефть-газ» каби йирик ишлаб чиқариш қувватлари мамлакатимиз саноатида салмоқли ўрин тутади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси ҳам жадал ривожланмоқда. Бугунги кунда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 51,6 фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида ишлаб чиқарилмоқда. Иш билан банд аҳолининг қарийб 80 фоизи шу тармоқда меҳнат қилмоқда.

Қишлоқ хўжалигида мўл ҳосил етиштирилмоқда, таркибий ўзгартиришлар давом эттирилмоқда. Сўнгги беш йилда 3 минг 200 гектар пахта майдони қисқартирилиб, картошка, мева-сабзавот ва полиз экинлари етиштириш йўлга қўйилган. Охирги уч йилда фермер хўжаликларининг 22 фоиздан зиёди кўп тармоқли хўжаликка айлантирилган.

Барча соҳаларда амалга оширилаётган ана шундай ислоҳотлар натижасида кейинги беш йилда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 2 баробар ошган, ҳудудий экспорт ҳажми 100 миллион долларга етган ва 2011 йилга нисбатан 2,5 баробар кўпайган. Бундай ўсиш суръатлари одамларнинг турмуш шароитида, вилоят шаҳар ва қишлоқлари қиёфасида намоён бўлмоқда.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида Қарши ва Шаҳрисабз шаҳарларида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари бу икки қадимий шаҳар қиёфасини тубдан ўзгартирди. Қарши шаҳрининг ҳудуди 9 минг гектардан 17 минг гектарга, Шаҳрисабз шаҳрининг ҳудуди 3 минг 300 гектардан 4 минг 900 гектарга кенгайтирилди.

Мустақиллигимизнинг 25 йиллик тўйи нишонланган 2016 йилда Қашқадарё устидаги қадимий Амир Темур кўприги реконструкция қилиниб, дарёнинг икки қирғоғида Қарши аҳли ва меҳмонлар дам оладиган сўлим масканлар барпо этилди. Тошкент — Қарши йўналиши бўйича юқори тезликда ҳаракатланувчи «Afrosiyob» тезюрар электр поезди қатнови йўлга қўйилди.

Шавкат Мирзиёев ўзининг сайловолди дастурида бу борадаги ишларни изчил давом эттириш, мамлакатимизнинг барча ҳудудлари қатори Қашқадарё вилояти ривожини ҳам янги босқичга кўтариш бўйича улкан режа ва мақсадларни баён этган эди. Президентимиз Қашқадарёга ташрифи давомида ана шу режалар ижроси, амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ва истиқболли лойиҳалар билан танишди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Қарши туманида қишлоқ хўжалиги соҳасидаги истиқболли лойиҳаларни кўздан кечирди.

«Нишон кўзгу» кўп тармоқли фермер хўжалиги томонидан Қарши шаҳрида автоматлаштирилган кушхона, гўштни сақлаш ва қадоқлаш комплекси ташкил этилмоқда. Бунинг учун хориждан замонавий ускуналар олиб келинган. Ушбу лойиҳа иқтисодий самарадорлик билан бирга, улкан ижтимоий аҳамиятга ҳам эга. Замонавий кушхона ва музлаткич озиқ-овқат маҳсулотларининг мўл-кўллиги ҳамда хавфсизлигини таъминлайди. 100 дан ортиқ иш ўрни яратилади. Давлатимиз раҳбари бундай кушхоналарни барча ҳудудларда ташкил этиш озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилишини таъкидлади.

Яккабоғ туманида ташкил этилаётган «Қорабайир отчилик мажмуаси» хўжалиги наслчиликни сақлаш ва ривожлантириш, қорабайир зотли отларни кўпайтиришга ихтисослашган. Мажмуада 200 тагача йилқи боқилиб, ички ва ташқи бозорга сотилади. Қиркдан ортиқ киши иш билан таъминланади.

Давлатимиз раҳбари Косон туманида барпо этиладиган чорвачилик комплекси лойиҳасини кўздан кечирди.

Қашқадарё вилоятида қишлоқ хўжалиги изчил ривожланиб, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ва бошқа тармоқларда юқори натижаларга эришилмоқда. Кўп тармоқли фермер хўжаликлари ташкил этилаётгани, хусусий мулкчиликка кенг йўл очилгани халқимиз фаровонлигини янада ошириш имконини бермоқда.

Икки минг бош қорамол боқишга мўлжалланган замонавий типдаги чорвачилик комплекси аҳолини гўшт ва сут билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Мажмуа қурилиши учун 12 гектар, чорва молларига озуқабоп экинлар етиштириш учун 750 гектар ер майдони ажратилади. Бу ерда йилига 4 минг 280 тонна сут ва 210 тонна гўшт етиштириш, 140 иш ўрни яратиш кўзда тутилган. Умумий қиймати 14 миллиард сўм бўлган лойиҳани келгуси йилнинг биринчи чорагида ишга тушириш режалаштирилган.

Президентимиз чорвачилик комплексига хориждан наслдор қорамоллар олиб келиш, уларни зарур технологиялар асосида парваришлаш, етиштирилган маҳсулотни қайта ишлашни йўлга қўйиш масалаларига алоҳида эътибор қаратди. Мутахассисларга зарур тавсиялар берди.

Нишон туманида Вьетнам технологияси асосида балиқ етиштиришга ихтисослашган агрофирма ташкил этилмоқда. Агрофирма вилоятдаги балиқчилик хўжаликларига ўз фаолиятини самарали ташкил этиши учун машинамеханизм хизматлари, балиқ увилдириқлари, омухта ем етказиб беради. Етиштирилган балиқни сотиш ёки қайта ишлашни йўлга қўяди.

Агрофирмада балиқ увилдириқлари етиштирилиб, сув омборига ўтказилади. Бу ерда балиқ чавоқлари етиштирувчи инкубацион цех, 600 тонналик музлаткич, балиқ маҳсулотларини қайта ишловчи корхона, 800 тонна махсус омухта ем ишлаб чиқарувчи цех ташкил этилиши режалаштирилган. Йилига 500 тонна балиқ қайта ишловчи агрофирмада 90 иш ўрни ташкил этилади.

Қашқадарёнинг сув ҳавзалари имкониятларидан самарали фойдаланиб, вилоятда балиқчиликни ривожлантириш, балиқ истеъмолини кўпайтириш зарурлиги таъкидланди. Бу халқимиз «луқмаи ҳалол» деб эъзозлайдиган балиқ гўштининг мўл-кўл бўлишини таъминлайди, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлайди.

Қамаши туманида 5 минг курка боқишга мўлжалланган мажмуа ташкил этилади. Голландиядан келтириладиган маҳсулдор зот ва замонавий технологиялар асосида мажмуада йилига 20 минг курка жўжаси етиштирилиб, аҳолига етказиб берилади. Уни жорий йилнинг декабрь ойида ишга тушириш, 30 иш ўрни яратиш мўлжалланмоқда. Мазкур лойиҳа самарасида ҳар бир хонадонга 100 тадан курка жўжаси тарқатилиши оилалар даромадини оширишда муҳим ўрин тутиши таъкидланди.

Қамаши туманида қуён етиштириш, қуён гўшти ва терисини қайта ишлашга ихтисослашган хўжалик ташкил этилмоқда. «Қамаши момиқ қуёнлари» агрофирмаси томонидан амалга оширилаётган ушбу лойиҳа самарасида 30 минг қуён етиштирилиб, йилига 120 тонна гўшт ва 40 минг дона тери тайёрланади. Хўжаликда 30 киши ишлайди. Бундан ташқари, қуёнлар 500 хонадонга тарқатилади. Аҳоли парҳез гўшт ва қўшимча даромад билан таъминланади.

Давлатимиз раҳбари «Қарши насос станциялар каскадини қайта тиклаш — III фаза» лойиҳаси билан танишди. Ушбу ирригация тармоғи эскиргани, қувур ва станцияларга Амударё сувининг лойқаси чўкиб қолгани сабабли сув исроф бўларди. Олинган сувга нисбатан энергия сарфи ошиб кетарди.

Лойиҳа Қарши насос станциялар каскадининг 1-6-насос станцияларининг 9 насос агрегатини, 850 метр қувурларни янгилаш, сув келтирувчи канални лойқадан тозалаш ишларини амалга оширишни кўзда тутади. Бунинг учун 128 миллион 934 минг доллар маблағ сарфланади. Шунингдек, НС-1 ва НС-2 оралиғидаги каналнинг 8 километр қисмини ва каналнинг чап қирғоқ дамбасини таъмирлаш режалаштирилган.

Лойиҳани бажариш натижасида 402 минг гектар суғориладиган майдоннинг сув таъминоти яхшиланади. Насос станцияларида йилига 106,55 миллион кВт соат электр энергияси тежалади.

Президентимиз бу ирригация тармоғи вилоят қишлоқ хўжалигида муҳим аҳамиятга эга эканини, таъмирлаш ва қайта тиклаш ишларини жадаллаштириш зарурлигини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари Қарши туманида енгил саноатни ривожлантириш борасидаги янги лойиҳалар билан танишди. Биринчи лойиҳа — 2017-2019 йилларда вилоятда енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган замонавий корхоналар ташкил этиш ва мавжудларини модернизация қилиш бўйича манзилли дастур бўлиб, унда 17 корхона ташкил этиш режалаштирилган.

«Ўзбекенгилсаноат» акциядорлик жамияти ҳамда қатор тижорат банклари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилаётган дастур доирасида 3000 га яқин иш ўрни яратилиши кўзда тутилган. Бугунги кунда вилоятда 7 тўқимачилик корхонаси фаолият юритмоқда. Мазкур корхоналар ҳудудда етиштирилаётган пахта толасининг 10 фоизини қайта ишлаш қувватига эга.

Шавкат Мирзиёев тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган «ЛТ Текстиль Интернейшнл» Ўзбекистон — Хитой — Нидерландия қўшма корхонаси лойиҳаси билан танишар экан, Қашқадарё вилояти мамлакатимизда пахта толасини етиштириш бўйича етакчи ўринни эгаллаши, бу имкониятдан унумли фойдаланиш, етиштирилган пахта толасини қайта ишлаб, бозорга тайёр маҳсулот чиқариш катта самара беришини алоҳида қайд этди.

► Давоми 2-бетда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ДЕПУТАТЛАР ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚДИЛАР

24 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Депутатлар фуқаролар, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга, ишбилармонлик муҳитини яхшилашга қаратилган бир қатор қонун лойиҳаларини кўриб чиқдилар.

Парламент қуйи палатаси мажлисининг кун тартибига киритилган масалалар сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳининг, Қонунчилик палатаси қўмиталарининг мажлисларида вазирлик ва идоралар, фуқаролик жамияти институтларининг вакиллари иштирокида дастлабки тарзда муҳокама қилинган эди.

Депутатлар ўз ишларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрда қабул қилинган «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлаш, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилиш ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонини ижро этиш мақсадида ҳамда 2017 йилга мўлжалланган Солиқ ва бюджет сиёсати концепциясига мувофиқ ишлаб чиқилган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда муҳокама қилишдан бошладилар.

Таъкидланганидек, бугунги кунда жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларини ислоҳ қилиш жараёни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди ҳамда ягона комплекс ҳужжат — 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида ўтказилмоқда. Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш алоҳида йўналиш сифатида белгиланган. Ривожланган иқтисодиёт барча бошқа соҳаларни такомиллаштиришнинг муҳим омили сифатида кўриб чиқилмоқда. Иқтисодиётни ривожлантириш учун мамлакатимизнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш зарур эканлиги қайд этиб ўтилди, бунга эса молиявий ва солиққа доир масалаларни самарали ҳал этиш орқали эришилади.

Шу сабабли қонун лойиҳасида тўловга оид тартиб-интизомни, солиққа оид маслаҳатлар бериш соҳасида кўрсатиладиган хизматлар сифатини, хорижий инвестицияларга эга бўлган корхоналарнинг ҳуқуқлари ва улар фаолиятининг кафолатларини таъминлаш назарда тутилмоқда. Қонун лойиҳасини тайёрлаш чоғида амалда мавжуд бўлган муаммолар таҳлил этилди, Австрия, Германия, Италия каби давлатларнинг ҳамда МДҲдаги бир қатор мамлакатларнинг тажрибаси ўрганилиб, бу пировардида ҳужжатнинг сифатини яхшилаш имконини берди.

Ушбу қонуннинг қабул қилиниши тадбиркорлик соҳасини жадал ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратишга, солиққа оид маслаҳатлар бериш масалаларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш тизимини такомиллаштиришга хизмат қилади.

«Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирларнинг қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди. Қайд этиб ўтилганидек, ушбу қонуннинг қабул қилиниши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида мавжуд бўлган нормаларнинг амалиётга татбиқ этилишини таъминлайди.

Қонун лойиҳасида Жиноят, Жиноят-процессуал, Фуқаролик-процессуал, Жиноят-ижроия кодексларига ва «Судлар тўғрисида»ги ҳамда «Прокуратура тўғрисида»ги қонунларга «Хабеас корпус» институтини қўллаш соҳасини янада кенгайтиришга, тергов устидан суд назоратини кучайтиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда.

Кўриб чиқилаётган қонун лойиҳасининг қабул қилиниши суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш ва либераллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш билан бир қаторда суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ҳамда назорат қилувчи органлар фаолиятининг самарадорлиги ва энг муҳими, аҳолининг одил судловга бўлган ишончи ортишига хизмат қилади. Фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, жамиятда қонунийликни мустаҳкамлаш борасида айнан ана шу мезон асосий ҳисобланади.

— Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишни таъминлаш мамлакатимиз Президенти раҳбарлигида амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади, — дейди **Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси, ЎзХДП фракцияси аъзоси Шуҳрат Мамажонов.** — Киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчаларга мувофиқ жиноий жазолар тизимига «мажбурий жамоат ишлари»нинг киритилиши муносабати билан қамоқ тариқасидаги жиноий жазо бекор қилинади. Жиноят содир этганликда гумон қилинаётган шахсларни ушлаб туриш, қамоққа олиш ва уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораларини қўллаш, дастлабки тергов, шунингдек, фуқаролик иши бўйича суд қарорини назорат тартибида қайта кўриб чиқиш муддатлари қисқартирилмоқда.

Мазкур ҳуқуқий ҳужжатларни муҳокама қилиш чоғида барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи вакиллари сўзга чиқдилар ва қонун лойиҳалари биринчи ўқишда қабул қилинди.

Сўнгра депутатлар «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига кредиторлар ва қарздорларнинг суд орқали ҳимоя қилинишга бўлган ҳуқуқини таъминлашга қаратилган ўзгартишлар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда кўриб чиқдилар. Бундан буён банкротлик тўғрисидаги ишда келишмовчиликларни кўриб чиқиш натижалари юзасидан суднинг апелляция инстанцияси чиқарган қарорлар қайта кўриб чиқилиши лозим, яъни юқори турувчи инстанцияларга судларнинг қарори устидан шикоят қилиниши мумкин.

Умуман олганда, бугунги кунда парламент қуйи палатасидаги қонун ижодкорлиги фаолияти жараёни назорат-таҳлил тадбирларининг, депутатлар томонидан ишларнинг ҳақиқий аҳволи ва аҳоли эҳтиёжларини жойларга чиқиб шахсан ўрганиш натижаларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилаётгани, бу эса Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида, айниқса, долзарб эканлиги таъкидланди.

Мажлис давомида депутатлар Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ваколатларига тааллуқли бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот хизмати.

Илмий-амалий конференция

БУЮК ХИЗМАТЛАР ЭЪТИРОФИ

Мамлакатимизнинг Биринчи Президенти, мустақиллигимиз асосчиси Ислом Каримовнинг хотирасини абадийлаштириш бўйича юртимизда катта ишлар қилинмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан жорий йил 25 январь куни имзоланган «Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг хотирасини абадийлаштириш тўғрисида»ги қарорига асосан Биринчи Президентимиз таҳсил олган Тошкент давлат техника университетига Ислом Каримов номи берилди.

Фарруҳ АЛИЕВ олган сурат.

Кеча мазкур университетда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан ҳамкорликда «Ўзбекистонда таълим, фан ва маданиятнинг модернизациясини таъминлашда Ислом Каримовнинг роли» мавзусида республика илмий-амалий конференцияси ўтказилди. Унда академиклар, 30 дан ортиқ олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, илмий ходимлар, илмий ходим-изланувчилар ҳамда талабалар иштирок этди.

Анжуманда Биринчи Президентимизнинг серқирра фаолияти, юртимизни мустақил ва демократик давлатга айлантиришдаги буюк хизматлари, таълим, фан ва маданиятни ривожлантиришга қўшган бебаҳо ҳиссаси ҳақида маърузалар тингланди.

Конференцияда ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб қилиш, илмий-тадқиқот ишлари самарадорлигини юқори даражага кўтариш, фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни тайёрлаш масалаларига эътибор қаратилди. Олий таълим муассасаларида олиб борилаётган илмий тадқиқотлар натижалари ҳаётга татбиқ қилинишига эришиш, кадрлар тайёрлаш тизимида илм-фаннинг узвийлигини қарор топтириш, замонавий илмий лабораториялар фаолиятини ташкил этиш ва улардан унумли фойдаланиш олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари олдида турган энг муҳим вазифалардан эканлиги алоҳида таъкидланди.

Тадбир доирасида Ислом Каримовнинг мазкур олий таълим муассасасидаги талабалик йиллари ҳақида ҳикоя қилувчи кўргазма ташкил этилди.

Шаҳбоз САИДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

● 2017-yil, 25-fevral. Shanba ● 25 (32.240)-son
www.uzbekistonovozi.uz info@uzbekistonovozi.uz

ИНСОН МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ, ХАЛҚИМИЗ ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИНИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШ — БАРЧА САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРИМИЗНИНГ АСОСИДИР

Мазкур корхонанинг ишга туширилиши ҳудудда етиштирилаётган пахта толасини шу ернинг ўзида қайта ишлаш, аҳолининг реал даромадларини ошириш имкониятини яратади. Йилига 22 минг тонна рақобатбардош аралаш ип калава ва 50 миллион квадрат метр ип газлама ишлаб чиқариш режалаштирилаётган корхона маҳсулотларининг 80 фоизи экспортга йўналтирилади.

Президентимиз шу ернинг ўзида Яккабоғ туманидаги илгариги «Яккабоғ текс» корхонаси негизида барпо этилаётган «Universal Taraqqiyot Tekstil» қўшма корхонасига қўшимча инвестиция киритиш лойиҳаси билан ҳам танишди. Корхонада вилоятда етиштирилган пахта толаси қайта ишланиб, мато ва чойшаблар ишлаб чиқарилади. 400 иш ўрни яратилиши кўзда тутилаётган корхона тўлиқ қувват билан ишга туширилгач, йилига 6 миллион квадрат метр мато, 2 миллион жуфт чойшаб тайёрланади.

Замонавий ва энергия тежамкор технологик ускуналар бугун барча ишлаб чиқариш жабҳаларига татбиқ этилмоқда. Қарши шаҳридаги илгариги пахта тозалаш заводи негизида ташкил этилаётган «Wood Decor Production» қўшма корхонаси ана шундай замонавий технологиялар билан жиҳозланмоқда. Швейцариянинг машҳур «Rieter», Японияннинг «Murata», «Yamata», Германиянинг «Mayer» компанияларининг юқори самарадорликка эга дастгоҳлари ўрнатилаётган корхонада дунё бозорида рақобатбардош ип калавадан тортиб тайёр маҳсулотгача ишлаб чиқарилади. Президентимиз тақдим этилаётган лойиҳа самарадорлигини ошириш юзасидан мутасаддиларга тегишли кўрсатмалар берди.

Мамлакатимизда пахта толаси ва ипак хомашёсини қайта ишлаш, хорижий инвестицияларни жалб этиш йўли билан рақобатбардош, ташқи бозорларда харидоргир тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми ва турини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ғузор туманидаги илгариги пахта тозалаш корхонаси негизида газлама ишлаб чиқаришга мўлжалланган инвестиция лойиҳаси билан танишар экан, Президентимиз янги иш ўринлари яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлади. Бугун одамлар аниқ ва муқим иш жойлари талаб қилмоқда. Бу талабни қондириш кўп жиҳатдан тадбиркорларга боғлиқ. Лойиҳа ишга тушгач, 600 иш ўрни яратилади.

Пахта экин майдонлари оптималлаштирилиши ва ишнинг мавсумийлигини ҳисобга олиб, «Ўзпахтасаноатэкспорт» холдинг компанияси тизимда меҳнат қилаётган ишчи-ходимлар бандлигини таъминлаш, қўшимча даромад олиш мақсадида Қашқадарё вилоятидаги ёғ-мой корхоналарининг бўш майдонларида янги инвестициявий лойиҳаларни амалга оширмоқда. Косон туманида ташкил этиладиган мева-сабзавотларни қуритиш цехи шулардан бири. 100 дан зиёд иш ўрни яратиладиган корхонада 10 минг тонна маҳсулот қайта ишланади. Қарши шаҳрида ташкил этиладиган музлаткичда 500 тонна қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сақланади.

Президентимизга Қарши туманида ташкил этиладиган 20 минг парранда боқиш режалаштирилаётган мажмуа лойиҳаси ҳақида ҳам сўзлаб берилди. Йил давомида аҳолини сифатли парҳез гўшт маҳсулотлари билан таъминлашга мўлжалланган мажмуа фаолият бошлагач, 22 киши доимий иш жойига эга бўлади.

Давлатимиз раҳбари «Шўртан газ-кимё» мажмуасининг тозаланган метани негизида синтетик суюқ ёқилғи (GTL) ишлаб чиқаришни ташкил этиш» ва «Шўртан газ-кимё» мажмуасининг ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш» лойиҳалари билан танишди.

«Шўртан газ-кимё» мажмуасининг тозаланган метани негизида синтетик суюқ ёқилғи (GTL) ишлаб чиқаришни ташкил этиш» лойиҳаси газ-кимё саноати йўналишида дунёнинг илғор технологик ечимларини ўзида акс эттирган. Ушбу лойиҳа МДҲ доирасидаги энг йирик мега-лойиҳалардан биридир.

Лойиҳа «Ўзбекнефтгаз» компанияси таъсислигида амалга оширилиши мамлакатимизнинг ёқилғи-энергетика хавфсизлигини таъминлашда катта аҳамиятга эга бўлиш баробарида соҳанинг жадал сурьатларда тараққий этаётганидан далолат беради.

Лойиҳа доирасида йилига 3,6 миллиард метр куб табиий газни қайта ишлаш орқали 1,5 миллион тонна юқори сифатли «Евро-5» талабларига жавоб берадиган синтетик ёқилғи ишлаб чиқарилади. Шундан 743 минг тоннаси дизель ёқилғиси, 311 минг тоннаси авиакеросин, 431 минг тоннаси нафта ва 21 минг тоннаси суюлтирилган газни ташкил этади.

Янги завод ишга туширилиши натижасида иқтисодиётнинг реал тармоқларини ривожлантириш, мамлакатимизнинг транзит салоҳиятини янада ошириш, шунингдек, нефть маҳсулотларига бўлган эҳтиёжнинг асосий қисмини қаноатлантириш ва нефть импортини камайтириш орқали хорижий валютани тежашга эришилади.

Қурилиш-монтаж ишлари 2020 йилнинг иккинчи ярмида ниҳоясига етказилиши, заводда қўшимча 682 янги иш ўрни яратилиши мўлжалланган.

Давлатимиз раҳбарининг кўрсатмалари асосида «Шўртан газ-кимё» мажмуасининг ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш» лойиҳаси концепцияси қайтадан кўриб чиқилиб, ишлаб чиқариш жараёнига синтетик нафта хомашёсини жалб қилиш масаласи ўрганилди. Лойиҳа ишга тушгач, заводнинг полимер ишлаб чиқариш қуввати ҳозирги 125 минг тоннадан 450 минг тоннагача, яъни 3,6 баробарга оширилиши таъминланади. Натижада нефть-кимё йўналишини ривожлантиришга катта ҳисса қўшилади. Биринчи босқичда юқори қийматли хомашё синтетик нафтани қайта ишлаб, янги турдаги полиэтилен ва полипропилен билан биргаликда пиролиз дистилятини ишлаб чиқариш кўзда тутилган. Пиролиз дистилятидан янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришда фойдаланиш имконияти ҳудудда технологик кластерни барпо этишга замин яратади, истиқболда кимё, автомобилсозлик, фармацевтика, қурилиш ва тўқимачилик соҳалари янада ривожланишида муҳим омил бўлади.

Лойиҳа завод майдонида амалга оширилиб, қурилиш ишлари комплекснинг ишлаб чиқариш жараёнига таъсир этмаган ҳолда олиб борилади.

Таъкидлаш жоизки, заводнинг мавжуд интеллектуал ва технологик салоҳиятидан фойдаланган ҳолда қўшимча ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг таннархини сезиларли даражада камайтириш ва инвестициялар самарадорлигини янада оширишга эришилади. Қурилиш-монтаж ишлари 2020 йилнинг тўртинчи чорагида якунланади ва лойиҳа доирасида 250 янги иш ўрни яратилади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев мамлакатимиз иқтисодий ривожида муҳим ўрин тутадиган ушбу лойиҳаларни молиялаштириш, ускуналарни ўз вақтида келтириш, қурилиш ишларининг «йўл харитаси»ни ишлаб чиқиш, корхоналарни белгиланган муддатларда ишга тушириб, аҳолини иш билан таъминлаш бўйича зарур кўрсатмалар берди.

Президентимиз Қарши туманидаги «Нукробод» қишлоқ фуқаролар йиғинининг Яккаёғоч массивида янгиланган намунавий лойиҳалар асосида барпо этилган арзон уй-жойларни бориб кўрди.

Одамлар ҳаётини янада фаровонлаштириш мақсадида мамлакатимизнинг барча ҳудудида янги лойиҳадаги арзон, замонавий, шинам уй-жойлар қурилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 21 октябрдаги «2017-2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури тўғрисида»ги қарори бу борадаги ишларни янги босқичга кўтармоқда.

Ушбу қарорга мувофиқ Яккаёғоч массивида ер участкаси 2 сотих бўлган уч хонали уйлар қурилди. Бу уйларнинг фойдаланиш майдони 63,5 квадрат метр бўлиб, унда иккита ётоқхона, меҳмонхона, ошхона, ювиниш хоналари ва қозонхона мавжуд. Ҳовлисида хўжалик бинолари қурилган.

Икки қаватли 16 хонадонли турар жой бинолари икки ва уч хонали қилиб қурилган. Уйларда ётоқхона, меҳмонхона, ошхона ва ювиниш хоналари ҳудуднинг иқлим шароити, санитария ва хавфсизлик талаблари, халқимизнинг ҳаёт тарзига оид барча жиҳатлар ҳисобга олинган ҳолда барпо этилган.

Ўз уй-жойига эга бўлиш ҳар бир инсон ҳаётида қанчалик муҳим эканини барчамиз яхши биламиз, деди Президентимиз. Халқимиз уйи борнинг ўйи йўқ, деб бекорга айтмаган. Бунинг чуқур маъноси бор. Бундай уй-жойлар тақсимотида халқимизга хос ҳақиқат ва адолат мезонларига қатъий риоя этилиши керак.

Қурилиш материалларининг таннархини камайтириш ҳисобига уйларнинг нархини янада арзонлаштириш, ичимлик суви, ички йўллар, электр энергияси ва табиий газ билан таъминлаш, атрофини ободонлаштириш бўйича зарур кўрсатмалар берилди.

Президентимиз янги уй соҳибларидан бири Алишер Аҳмедов хонадонида бўлиб, бу ерда яшаш учун яратилган шароитлар билан танишди, дилдан суҳбатлашди. Ёш оила аъзолари давлатимиз раҳбарига эътибори ва ғамхўрлиги учун самимий миннатдорлик билдирди.

Шавкат Мирзиёев Мирмирон массивидаги янгиланган намунавий лойиҳалар асосида қурилган уйларда истиқомат қилувчи аҳоли учун иссиқхона ташкил этиш лойиҳаси билан танишди. Ушбу иссиқхона 25 гектар майдонда металл, тахта, плёнка ва бошқа маҳаллий қурилиш материалларидан фойдаланилган ҳолда барпо этилади. Бу ерда лимон, мандарин ва папайя каби цитрус мевалар, помидор, бодринг, гулкарам, ҳар хил кўкатлар етиштирилиши режалаштирилган. Ушбу лойиҳа амалга оширилиши натижасида иссиқхонада йилига 3 миллиард сўмлик маҳсулот етиштирилади. Уларнинг бир қисми ички бозор талабларини қондирса, қолгани экспортга йўналтирилади. Натижада аҳоли қиш мавсумида ҳам арзон мева-сабзавот маҳсулотлари билан таъминланади. 229 иш ўрни яратилиши аҳоли турмуш фаровонлигининг ортишига хизмат қилади.

Янги дастур ишлаб чиқамиз, деди Президентимиз. Унга кўра арзон уй-жойларнинг умумий майдони кенгайтирилади, нархлар ҳам шунга мувофиқлаштирилади. Қўшимча ерда одамлар чорвачилик билан шуғулланиши, хоҳласа, мана шундай иссиқхоналар қуриб, деҳқончилик қилиши мумкин. Муҳими, улар ҳам уйли, ҳам ишли-даромадли бўлади.

Президентимиз бундай иссиқхоналарни қуриш ва улардан фойдаланишда замонавий технологияларни қўллаш, ишга малакали мутахассислар билан бирга, коллеж битирувчиларини ҳам кенг жалб этиш борасида зарур кўрсатмалар берди.

Шу ерда профилактика инспекторлари ва қишлоқ врачлик пунктлари ходимлари яшаб, хизмат кўрсатадиган турар жой лойиҳаси намойиш этилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Қарши шаҳридаги «Қарши лезер» қўшма корхонасида бўлиб, Қашқадарё вилоятида чарм-пойабзал соҳасини янада ривожлантириш дастури, мева-сабзавот етиштириш, янги логистика маркази ташкил қилиш, Яккабоғ, Китоб, Шаҳрисабз туманларида токзорлар барпо этиш бўйича қатор истиқболли лойиҳалар билан танишди.

Қашқадарё вилоятида чарм-пойабзал саноатини ривожлантириш ҳудудда етиштириладиган тери хомашёсини сифатли қайта ишлашни ташкил қилишда муҳим ўрин тутади. Шу мақсадда вилоятда 2017-2018 йилларга мўлжалланган умумий қиймати 12,9 миллион долларлик 18 инвестиция лойиҳасини амалга ошириш бўйича манзилли дастур ишлаб чиқилди.

Мазкур дастурга мувофиқ Қарши шаҳри, Деҳқонобод, Китоб ва Нишон туманларида 5 пойабзал, Китоб туманида чарм-атторлик маҳсулотлари, «Қарши лезер» корхонасида тайёр чарм ишлаб чиқариш лойиҳалари амалга оширилади. Бу вилоятда йилига 1 миллион дона терини қайта ишлаш, 460 минг жуфт пойабзал ва 100 минг дона чарм-атторлик маҳсулотлари тайёрлаш, 200 дан ортиқ янги иш ўрни ташкил этиш имконини беради.

«Қарши лезер» қўшма корхонасида амалга оширилаётган қиймати 9,1 миллион долларлик лойиҳа намойиш этилди. Лойиҳа ҳаётга татбиқ этилиши натижасида юқори сифатли, рақобатбардош тайёр чарм ишлаб чиқариш, йилига 45 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилиш режалаштирилмоқда. Босқичма-босқич ишга туширилиадиган корхонада 300 дан ортиқ иш ўрни яратилиб, уларга асосан коллеж битирувчилари қабул қилинади.

Президентимиз қўшма корхона таъсисчилари ва хорижлик инвесторлар билан суҳбатда ишлаб чиқаришни самарали ташкил этиш, бунинг учун мутасадди идоралар, вилоят ҳокимлиги билан яқиндан ҳамкорлик қилиш, ташқи бозорни ўрганиб, экспорт географиясини мунтазам кенгайтириб бориш зарурлигини таъкидлади.

Қашқадарё вилоятида мева-сабзавотни қайта ишлаш ва экспорт қилиш имкониятлари жуда юқори. Шаҳрисабз шаҳрида ташкил этилаётган «Шаҳрисабз» логистика маркази ушбу мақсадларга хизмат қилади. Илгариги пиллачилик фабрикаси ўрнида иш бошлайдиган логистика маркази мева-сабзавотларни етиштириш, тайёрлаш, қабул қилиш, саралаш, қайта ишлаш, жаҳон талабларига мос лабораторияларда текшириш, қадоқлаш ҳамда ҳўл, музлатилган ва қуритилган ҳолда экспорт қилиш билан шуғулланади.

Марказ тўла қувват билан ишга тушгач, йилига 25 минг тоннадан зиёд маҳсулот Европа, МДҲ мамлакатлари, Хитой, Ҳиндистон, Жанубий Корея ва бошқа давлатларга экспорт қилинади. Минг киши иш билан таъминланади. Вилоятдаги фермер, деҳқон, шахсий томорқа хўжаликларига етиштирган маҳсулотини сотиш ҳисобига йилига ўртача 80 миллиард сўм атрофида даромад олиш имконияти яратилади.

Чироқчи туманида йилига 8 минг тонна салат барглари, брокколи, рангли карам ва бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, мева-сабзавот етиштириш, сақлаш ва қайта ишлашга ихтисослаштирилган «Биг агро экспорт» масъулияти чекланган жамияти барпо этилмоқда. 194 гектар майдондан иборат қиймати 14 миллион доллар бўлган ушбу корхонада 2 гектарда кўчат етиштиришга ихтисослашган иссиқхона, 4000 тонна сиғимли совуткич қурилиши кўзда тутилмоқда. Мазкур лойиҳа амалга оширилиши натижасида йилига 6,8 миллион долларлик маҳсулотлар экспорт қилиниб, туманда 90 доимий, 500 мавсумий иш ўрни яратилади.

Яккабоғ, Китоб ва Шаҳрисабз туманларида 2017-2019 йилларда жами 5 минг гектарда янги токзорлар барпо этиш мўлжалланмоқда. Яккабоғ туманида йилига 4 минг тонна узумни қайта ишлаш лойиҳаси амалга оширилади.

Давлатимиз раҳбари ушбу лойиҳалар билан танишар экан, воҳада қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш ва уни қайта ишлашни кенгайтириш, аҳолини ушбу маҳсулотлар билан узлуксиз таъминлаш, экспортни ошириш, пировард натижада аҳолининг турмуш даражасини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Шу ернинг ўзида мамлакатимиз олимлари томонидан ўрмон фонди ерларида шифобахш ўсимликлар етиштириш лойиҳаси тақдимоти ўтказилди. Лойиҳага кўра жорий йилдан бошлаб Қашқадарё вилоятининг тоғ ва тоғолди ҳудудларида заъфарон плантациялари ташкил этишга киришилади. Ушбу ўсимлик тиббиёт ва озиқ-овқат саноатида кенг ишлатилади. Уни кўпайтириш мамлакатимизда доривор ўсимликлар хомашёсини маҳаллий шароитда етиштириш ва озиқ-овқат зиравори сифатида экспорт қилиш имкониятларини кенгайтиради.

Президентимиз Ўзбекистон флораси доривор гиёҳларга бой эканини, хусусан, заъфарон ўсимлигидан қадимдан халқ табобатида кенг фойдаланиб келинганини таъкидлади. Мамлакатимизда дори воситаларини ишлаб чиқаришда шифобахш заъфарон муҳим хомашё манбаи бўлиб хизмат қилишини қайд этди. Соҳа мутахассисларига бундай ўсимликлар турини кўпайтириш ва плантацияларни кенгайтириш бўйича тавсиялар берди.

Қарши шаҳрида мутасадди раҳбарлар ва вилоят фаоллари иштирокида йиғилиш ўтказилди. Унда вилоят иқтисодиётини янги босқичга кўтариш, инфратузилмаларни ривожлантириш, муҳандислик-коммуникация тармоқларини яхшилаш, аҳолини иш билан таъминлаш ва турмуш даражасини янада ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ушбу тадбирларда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳамда «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» Давлат дастуридаги мақсад-вазифалар ўз ифодасини топди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Қашқадарё вилоятига ташрифи давом этмоқда.

ЎзА

◀ Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Муносабат

ЙЎЛ ХЎЖАЛИГИНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИ тубдан такомиллаштирилмоқда

Аҳад АҲМЕДОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси аъзоси, ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Мамлакат тараққиётида йўл хўжалиги, ушбу тизим самарали фаолият кўрсатиши муҳим ўрин тутади. Бу борада амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, рўёбга чиқарилаётган кўплаб лойиҳалар натижасида ҳудудларда замонавий объектлар қад ростламоқда, йўл-транспорт инфратузилмаси ривожланмоқда.

Президентимизнинг жорий йил 14 февралдаги «Йўл хўжалигини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ушбу йўналишдаги ишларни янада кенгайтириш, соҳага ёндашувни тубдан ўзгартиришга хизмат қилиши билан ниҳоятда аҳамиятлидир.

Бинобарин, фармонда юртимизда автомобиль йўллари тармоғини янада ривожлантириш, соҳадаги муаммоларни бартараф этиш бўйича аниқ ва самарали чора-тадбирлар назарда тутилган. Чунончи, Автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш давлат-акциядорлик компанияси тугатилиб, унинг негизида Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси ташкил этилди. Бу, ўз навбатида, автомобиль йўллари соҳасида ягона сиёсатни олиб бориш, тараққиётнинг шиддаткор даврида халқаро транзит йўлакларини шакллантириш, автомобиль йўлларини бугунги кун талабидан келиб чиқиб лойиҳалаштириш, қуриш ва таъмирлаш, хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўллари, шунингдек, кўчаларнинг сифатини тубдан яхшилаш имконини беради.

Ушбу ҳужжатда илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, автомобиль йўлларини лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва сақлаш соҳасида инновацион технологиялар ва замонавий стандартларни жорий этиш қўмитанинг асосий вазифаси этиб белгиланди. Албатта, бу келажакда автомобиль йўлларининг сифати ва самарадорлигини янада ошириш, уларни лойиҳалаштиришда илмий ёндашувларни амалиётга изчил жорий этиш, пировардида халқаро стандартлар даражасидаги транспорт инфратузилмасини шакллантиришга хизмат қилади.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Йўл-қурилиш ишларининг сифати устидан назорат олиб борадиган Давлат инспекцияси ташкил этилиши эътиборлидир. Бу йўл қурилиши ишларида, унда фойдаланиладиган материалларни ишлаб чиқариш жараёнларининг мукаммаллигини таъминлашда долзарб аҳамият касб этади.

Яна бир эътиборли жиҳати, Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси Вазирлар Маҳкамасига бўйсундирилди. Унинг асосий вазифаси Республика йўл жамғармаси маблағлари тушуми ва сарф-харажатлари йиллик балансини шакллантириш, деб белгиланди. Бу мамлакатимизда йўл қурилиши билан боғлиқ барча лойиҳаларни ўз вақтида молиялаштириш ва амалга ошириш имконини беради.

Фармон ижросини таъминлаш, соҳага оид қонунчилик базасини такомиллаштириш ҳамда унинг бажарилиши устидан парламент назоратини амалга ошириш биз, депутатлар зиммасига катта масъулият юклайди. Чунончи, автойўл соҳасидаги фаолиятни танқидий таҳлил қилиш, бу борадаги ишларни қонунчилик ижроси нуқтаи назаридан ўрганиш мақсадида парламент сўровларини юбориш, соҳага бевосита таллуқли бўлган қонунларни назорат-таҳлил тартибида ўрганиш масалаларида парламент ваколатларидан кенг фойдаланишимиз мақсадга мувофиқдир. Зеро, ушбу вазифаларнинг бажарилиши иқтисодиёт ривожига, шаҳар ва қишлоқларимизни янада обод қилишга, аҳоли фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилади.

Одамлар орасида

Сайёр қабулхона

Бугунги кунда Марғилон шаҳрида салкам уч юз минг аҳоли яшайди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхонаси мурожаатларни ҳал этишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

— Хизмат кўрсатиш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари раҳбарлари эшиклари аҳоли учун ҳамиша очиқ, — дейди **«Нуроний» жамғармаси шаҳар бўлими раиси Турғунбой Нишонов.** — Бундан ташқари, шаҳар прокурори Акмалхўжа Мавлонов ташаббуси билан сайёр қабулхона ҳам ташкил этилмоқда.

Марғилонга келганимизда махсус жиҳозланган автобус Тошлоқтепа маҳалласига йўл олаётган экан. Унда шаҳар прокурори, ИИБ бошлиғи, аҳолига хизмат кўрсатиш тармоқлари, жамоат ташкилотлари раҳбарлари бор эди. Маҳаллада дастлаб жиноятчиликнинг олдини олиш, ҳуқуқий саводхонликни ошириш юзасидан очиқ ва самимий мулоқот бўлди.

Уй-жой ажратиш, пластик карта, терминаллар етишмаслиги, ногиронларнинг ҳуқуқлари билан боғлиқ бир қатор саволларга қонун ва меъёрий ҳужжатлар асосида тушунтириш берилди.

— Илгари прокурор ким, ички ишлар бўлими бошлиғи ким, танимас ҳам эдик. Мана, энди улар халқ ичига кириб, аҳолини тинглаб, амалий ёрдам бериб юрибди. Бунинг учун катта раҳмат, — деди **меҳнат фахрийси Абдулазиз Ўлмасов.**

— Марғилонда 56 маҳалла бор. Прокурор сўровига кўра, ҳар бир кўчадаги бемор, ногирон, арзи бор шахслар аниқланиб, рўйхатга олинди. Сайёр қабулхона маҳаллаларда жадвал асосида ташкил этилмоқда, — деб изоҳ берди **«Маҳалла» жамғармаси шаҳар бўлими раиси Муҳаммадали Исоқов.**

Биринчи гуруҳ ногирони

Мухиржон КОДИРОВ олган сурат.

Мухторжон Абдусатторовнинг хонадонига сайёр қабулхона ташкилотчилари аравача олиб келганида отанинг кўзларига ёш келди. Дуога қўл очиб, биз оддий одамларни қадрлаётганларни Яратганнинг ўзи қўлласин, дея ният қилди.

Хуллас, шу куни маҳалладаги кўплаб муаммоларга ечим топилди.

Кун кеч бўлди. Лекин сайёр қабулхона иши ҳамон давом этаётганди...

Муҳаммаджон ОБИДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Иқтисодиётда амалга оширилаётган лойиҳалар, энг аввало, янги иш ўринлари яратилишига хизмат қилади.

ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТ

одамларнинг дардига дармон бўлмоқда, қадр-қимматини жойига қўймоқда, давлатга ишончини мустаҳкамламоқда

Фаррух АЛИЕВ олган суратлар.

Ҳар қандай таклиф, ташаббус, бошқача айтганда, ғоя ҳаётий бўлгандагина уни одамлар қабул қилади, қўллаб-қувватлайди. 2017 йил — Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили, деб эълон қилиниши жамоатчилик томонидан катта мамнуният билан кутиб олингани ҳам жамиятда бунга эҳтиёж бўлганини билдиради.

Буни Президент Шавкат Мирзиёев шундай изоҳлади: ***«Биз кейинги пайтда одамлар билан мулоқот қилишни унутиб қўйдик. Уларнинг ичига кириб, очиқ ва самимий гаплашиш, дардини эшитиш бизнинг фаолиятимизда, афсуски, охирги ўринга тушиб қолди».***

Бундай хулосага келиниши сабабини Ўзбекистон Республикаси Президенти виртуал қабулхонасига қисқа тўрт ой орасида 400 мингдан ортиқ мурожаат тушгани, Президент сайлови олдидан ўтказилган учрашувларда берилган саволлар билан боғлаб, чегаралансак, ярим ҳақиқатни айтган бўламиз. Ҳақиқатнинг иккинчи томони шундаки, катта ҳаётий тажрибага эга, одамлар иссиқ-совуғидан яхши хабардор, уларнинг дардини юрагидан ўтказган раҳбаргина бундай нозик ва ўткир муаммоларни тан олиши, очиқ айтиши мумкин.

Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари ҳимоясига қаратилган бундай дадил қарор Биринчи Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлигида инсон ҳақ-ҳуқуқини таъминлаш йўлида олиб борилган улуғ ишлар қатъийлик билан давом эттирилаётганини ҳам билдиради.

Бугун одамлар жойларда депутату сенаторлар, давлат идоралари раҳбарлари билан ўтказилаётган мулоқотлардан ўз саволларига жавоб топилаётгани, муаммолари тезкор ҳал бўлаётганидан мамнунлик изҳор этишмоқда. Бу мулоқотларни ўзларига кўрсатилган катта эътибор ва ғамхўрлик тимсоли сифатида қабул қилишмоқда.

Дарҳақиқат, «мулоқот» сўзи арабча бўлиб, учрашиш, суҳбатлашиш маъносини билдиради. Кимдир кимнидир йўқлаб келиб, учрашса — бу аввало эътибор, ҳурмат. Давлат идоралари вакиллари, раҳбарлари одамлар билан учрашса, мулоқот қилса — бу фуқаро ҳуқуқи, эркинлиги, шаънини ҳимоя қилиш, муаммоларини ҳал этиш дегани, инсонни қадрлаш дегани. Мулоқотлардан мақсад ҳам одамларни ташвишга солаётган муаммоларни ўрганиш, ечиш, яъни инсон манфаатини таъминлаш.

Бироқ шу ўринда савол туғилади: Инсон манфаатини таъминлаш қамрови қаердан бошланиб, қаерда тугайди? Унинг чегараси борми? Бу саволга жавоб битта: Инсоннинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни ва қадр-қиммати билан боғлиқ нимаики бўлса, ҳаммаси инсон манфаати ҳисобланади. Конституциямизда белгиланган барча тамойиллар ижроси инсон манфаатларига хизмат қилади. Демак, инсон манфаати деганда, аввало, инсонни қадрлаш, унинг ҳурмат-иззатини жойига қўйиш, муносиб яшаши учун шароит яратиб бериш тушунилади. Ҳеч ким муте бўлмасин, турли идоралар эшиклари олдида ранги сарғайиб юрмасин, ўз ташвиши билан ўзи ёлғиз қолмасин. Инсон бўлиб туғилган инсон инсондек яшасин.

Шу ўринда ойлаб, йиллаб адолат излаб сарсон-саргардон бўлиб юрган одамнинг руҳий ҳолатини, тортган азобларини тасаввур қилиб кўрайлик... Кеча-ю кундуз хаёлини банд этиб, асабини кемириб келган муаммоси ҳал этилган кишининг елкасидан тоғ ағдарилади, кўнгли обод, руҳияти озод бўлади, ғайрати ошади, ишида унум бўлади. Энди у югур-югурга кетган вақтини, кучини, ақлини касби-корига сарфлайди, катта орзу-ҳавас, ташаббус билан меҳнат қилади, жамиятга, давлатга фойдаси кўпроқ тегади, ҳаётдан рози бўлиб яшайди. Гап минг-минглаб одамлар ҳақида кетаётганини ҳисобга олиб фикрласак, халқ билан мулоқотлар фуқароларга, жамиятга, давлатга беҳисоб фойда келтиришига икрор бўламиз.

Бугун ўзаро суҳбатларда, матбуотда ҳам **«Энди халқнинг орасига кириб боришимиз керак», деган даъват тез-тез айтилмоқда. Бу эзгу мақсад, албатта. Аммо халқ орасига кириб бориш нимадан иборат бўлади, тартиби қанақа?**

Президент бу ҳақда ҳам кенг тушунча берди. Мулоқот дегани жойларда одамларни тўплаб, мажлисбозлик қилиш билан белгиланмайди. Энг аввало, чекка қишлоқларгача, шу пайтгача туман ёки вилоят раҳбарлари қадами етмаган ҳудудларгача кириб бориш вазифаси қўйилмоқда. Иккинчидан, **«Одамлар билан уларнинг тилида гаплашиш керак»,** деб уқтирилмоқда. Яъни, осмондан келмай, пастга тушиб, ғуддаймай, очиқ чеҳра билан, меҳр билан, самимий гаплашиш зарурлиги айтилмоқда. Президентимиз одамлар дардини эшитиш, муаммоларини ўрганиш механизмини кўрсатиб бериш баробарида уларга ечим топишнинг янги йўлларини ҳам таклиф этди.

Эътибор беринг, ҳар бир ҳудудда одамлар манфаатини ҳимоя қилиш масаласига ҳоким, прокурор ва ички ишлар бўлими бошлиғи бевосита масъуллиги таъкидланмоқда. Бу кўрсатма жамоатчилик томонидан катта миннатдорлик билан кутиб олинди. Энди масала бутунлай бошқача қўйилмоқда: **одамлар давлат идоралари эшиклари олдида сарғайиб ўтиришига йўл қўйилмайди, балки мансабдор шахслар одамларнинг ҳузурига бориши, уларнинг ҳолидан хабар олиши, дардини эшитиши керак бўлади.** Бундан буёғига юзакичилик, расмиятчилик, кўзбўямачилик, қоғозбозлик каби иллатларга қарши муросасиз кураш бошланади. Энди раҳбарлар фаолиятига қоғоздан-қоғозга, ҳисоботдан-ҳисоботларга кўчиб юрадиган рақамлар, маълумотларга қараб эмас, халқ манфаати йўлида нима ишлар қилаётганига қараб, жамоатчиликнинг фикрига қараб уларнинг фаолиятига баҳо берилади.

Халқ билан мулоқот масаласи фақат депутатлар, раҳбар шахслар ёки давлат идоралари вакилларигагина дахлдор вазифа эмас, албатта. Бу масалада жамоат ташкилотлари, айниқса, сиёсий партиялар, депутатлар зиммасига катта вазифалар юкланади. Илгаригидек силлиқ учрашувлар ўтказиб, ҳисобот ёзишни энди замон кўтармаслигини депутатлар ҳам англаб етмоқда. Депутатмисан, вазифангни чин юрақдан бажар, эътиқод, масъулият билан бажар, деган талаб қўйилмоқда. Депутатни халқ сайлаган, у халқ вакили, у ўзига ишонч билдирган сайловчиларнинг чинакам хизматкори бўлмоғи лозим. Аксарият муаммоларни биринчи бўлиб депутат билмоғи, ўрганмоғи, уларнинг ечими бўйича давлат идоралари олдига таклиф ва талаблар қўймоғи лозимлиги айтилмоқда. **Қонунлар қачон пишиқ-пухта, ҳаётий бўлади? Қачонки депутатлар ҳаёт ҳақиқатларини яхши билса, виждони қийналса...** Йил-ўн икки ой хонада ўтириб, ҳар замонда бир айланиб, ҳисобот учун учрашув ўтказиб келиш мутлақо яроқсиз тажриба бўлганини бугун кўпчилик тан олаяпти. Бугун Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциямиз аъзолари ҳам буни таъкидлашмоқда.

— Илгари эллик-юз нафар одамни бир жойга тўплаб беришарди. Биз маъруза қилардик, бир-икки савол ёки таклифни эшитиб, учрашув яхши ўтди, деган кайфият билан қайтардик, — дейди **Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси Турсунпўлат Норбоев.** — Энди маҳаллама-маҳалла, қишлоқма-қишлоқ, уйма-уй юриб, жойларда муаммолар қанчалик тўпланиб қолганига икрор бўлаяпмиз. Тўғриси, Президентимиз бу талабни бекорга қўймаганини учрашувлар пайтида чуқурроқ англадик.

— Муаммолар бугун пайдо бўлгани йўқ. Йиллар давомида тўпланиб келган. Аммо биз уларга энди чинакамига эътибор қаратаяпмиз, — дейди **халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи аъзоси, «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими раиси Топволди Холдоров.** — Тўғриси, биз депутат сифатида энди уйғондик, десам муболаға бўлмайди. Ҳар бир ҳудудда ютуқлар билан бирга ўзига яраша муаммолар борлигини, одамлар бундай мулоқотларга муҳтожлигини ўз кўзимиз билан кўрдик...

Одамлар билан мулоқот масаласи журналистлар, ёзувчи ва ижодкорларимизга ҳам бевосита дахлдор. **Биз нима деяпмизу, одамлар нима деяпти? Ҳаёт ҳақиқатларини қай даражада ёритаяпмиз? Бизнинг гапларимизга одамлар ишонаяптими, айтганларимиз уларга қанчалик таъсир қилаяпти?..** Бу саволлар бугуннинг саволлари, ўткир саволлар, хулосалар сўраётган саволлар...

Ҳаёт ўзгариб бораверади, кечаги катта янгиликлар бугун оддий воқеаларга айланиб қолаверади. Инсон янада улкан марраларни кўзлаб интилаверади. Ҳар бир кун — янги кун. Унинг ўз вазифалари, талаблари бўлади. Бунга мослашолмаган одам ютқазади. Бугун ҳаёт илгари сураётган вазифалар масъулиятни, ғайратни, жавобгарликни икки баробар, эҳтимол, уч баробар оширишни талаб этмоқда. Қайси даражадаги раҳбар бўлишидан қатъи назар, энди сидқидилдан ишлашига, халққа хизмат қилишига тўғри келади. Билган одам учун аслида бу — катта шараф. Муқаддас китобларда қайд этилишича, раҳбарлар одамларни бахт-саодатга етаклайдиган кишилардир. Улар шу тариқа элнинг дуосини олади, ўзидан яхши из қолдиради.

Бу имкон, бу бахт ҳаммага ҳам насиб этавермайди.

Сафар ОСТОНОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист.

ЎЗГАРАЁТГАН ДУНЁ

БМТда

террорчилик билан кураш бошқармаси ташкил этиш таклиф қилинди

БМТ Бош котиби Антониу Гутерреш ташкилотда террорчилик билан кураш бўйича бошқарма ташкил этишни таклиф қилди. Бу ҳақда un.org сайти хабар берди.

Айни дамда БМТда Хавфсизлик Кенгашининг террорчиликка қарши қўмитаси бор. Ушбу тузилма АҚШда рўй берган 2001 йил 11 сентябрь воқеаларидан сўнг таъсис этилган.

Янги бошқарма БМТ ХКнинг ишига аралашмайди ҳамда Бош Ассамблеяга ташкилот Бош котиби орқали ҳисобот беради.

— Таклиф этилаётган янги бошқарма аъзо давлатларнинг ҳеч биринг суверенитетига таҳдид солмайди. Янги офиснинг фаолияти қўллаб-қувватлаш ва аъзо давлатларнинг талаби билан юритилади, унинг ўзига хос жиҳати — БМТнинг террорчиликка қарши стратегиясини бажариш, — дея таъкидлади Бош котиб.

ЖАҲОНДАГИ ЭНГ КУЧЛИ

компьютер яратилади



Хитойлик мутахассислар 2018 йилга қадар янги, ўта кучли компьютерни яратишмоқчи. Бу ҳақда China Daily газетаси Шимолий Хитойнинг Тяньцзинь шаҳрида жойлашган суперкомпьютерлар давлат маркази ахборотига асосланиб хабар тарқатди.

Маълумот учун, эксафлопс — сониясига 1 000 000 000 000 000 000 (квинтильон) ҳисоб-китобларни амалга ошириш бўлиб, жаҳоннинг кўплаб давлатлари ўз суперкомпьютерларининг бу тезликка эришиши учун анчадан бери изланишлар олиб боради.

Мутахассисларнинг сўзларига кўра, Tianhe-3 номли ушбу компьютер дунёдаги энг кучли компьютер бўлади. У 2016 йилнинг ноябрида энг кучли компьютер деб маълум қилинган — Sunway TaihuLight' ускунасидан ўн маротаба тезроқ ишлайди.

Хитойлик мутахассисларнинг билдиришича, бу воқеа америкалик олимлар жаҳонга ўзларининг тезлиги 1 эксафлопс бўлган компьютерларининг якуний нусхасини тақдим этишларидан анча аввалроқ содир бўлади.

ЕРГА ЎХШАШ

еттита сайёра аниқланди



NASA олимлари матбуот конференциясида TRAPPIST-1 юлдузи яқинида Ер ҳажмига тенг яна етти сайёра мавжудлигини маълум қилишди. Бу ҳақда РИА Новости ахборот агентлиги хабар берди.

Олимларнинг сўзларига кўра, улардан учтасида яшашга яроқли шароит мавжуд. Мазкур уч сайёрада сув ҳам мавжудлиги қайд қилинган.

TRAPPIST-1 юлдузи Ердан тахминан 39 ёруғлик йилида, Қовға (Aquarius) юлдузлар туркумида жойлашган.

Интернетдан олинган материаллар асосида тайёрланди.

Миллий матбуот марказида

«Ўзбекистон темир йўллари»: хизмат кўрсатиш сифати ошмоқда

«Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти матбуот анжумани ўтказди. Унда ўтган йили амалга оширилган ишлар, жорий йилга мўлжалланган режалар ҳақида сўз юритилди.

— Жамиятимиз томонидан 2016 йилда 68 миллион тонна юк ташилди, шунингдек, 21 миллиондан кўпроқ йўловчи ўз манзилига етказиб қўйилди, — дейди **«Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг бош менежер — бош муҳандиси Хусниддин Холиқов.** — 369 миллион АҚШ доллари миқдорида экспорт хизматлари кўрсатилди. Шу билан бирга, жамиятимиз саноат корхоналарида 422,5 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Ўтган йили жамиятимиз томонидан йил давомида 2 минг 300 га яқин янги иш ўрни яратилди ва жами ишчи-ходимлар сони 70 мингдан ошди.

Бундан ташқари, ўтган йилги инвестиция дастурига кўра, 820 миллион доллардан кўпроқ маблағ ўзлаштирилди. Натижада қатор лойиҳалар амалга оширилиб, йўловчилар учун қулайликлар яратилди. Ҳаммамизга маълум, 2016 йилда узунлиги 123,2 километрни ташкил этувчи Ангрен — Поп электрлаштирилган темир йўли ва унинг доирасида бунёд этилган узунлиги 19,2 километрдан иборат Қамчиқ туннели фойдаланишга топширилди. Мазкур янги темир йўл орқали Фарғона водийсига ҳамда у ердан юртимизнинг бошқа ҳудудларига юк ва йўловчи поездларининг мунтазам қатнови йўлга қўйилди. Тизимда яна бир қатор муҳим ишлар амалга оширилди.

Матбуот анжуманида жорий йилда мамлакатимизга юқори тезликда ҳаракатланувчи иккита электропоезд олиб келиниши маълум қилинди. Шунингдек, бу йил Қарши — Термиз, Урганч — Хива йўналишларини ҳам электрлаштириш кўзда тутилган.

Тадбирда «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти томонидан амалга ошириладиган бошқа истиқболли лойиҳалар ҳақида ҳам атрофлича маълумот берилди.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



Мутахассисларнинг таҳлилларига кўра, юртимизда 5,7 миллиард тонна атрофида кўмир захиралари мавжуд. Бугунги кунда қаттиқ ёқилғи ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни жорий этиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш борасида амалга оширилган ислоҳотлар туфайли электроэнергетика тармоқлари, саноат корхоналари, ижтимоий объектлар ва аҳолига кўмир маҳсулотлари ўз вақтида, керакли миқдорда етказиб берилмоқда.

«Ўзбеккўмир»нинг истиқболли лойиҳалари

«Ўзбеккўмир» акциядорлик жамияти томонидан ўтказилган матбуот анжуманида соҳада амалга оширилган ишлар, истиқболдаги вазифалар ҳақида сўз борди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 30 декабрдаги «Республика аҳолиси ва бюджет ташкилотларига кўмир маҳсулотлари етказиб бериш механизмини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ишимизда дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда, — дейди **«Ўзбеккўмир» акциядорлик жамияти бош директори ўринбосари Носир Умаров.** — Жамиятимиз тасарруфидаги корхоналар томонидан ҳар йили 4 миллион тоннага яқин кўмир қазиб олинади. Уларни сақлаш ва истеъмолчиларга етказиб бериш мақсадида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида 84 кўмир омбори қурилмоқда ва брикет ишлаб чиқариш ускуналари билан жиҳозланмоқда. Бу эса кўмир брикетлар тайёрлаш ҳажмини 800 минг тоннадан ошириш имконини берди. Айни пайтда аҳолини арзон кўмир билан таъминлаш чоралари ҳам кўрилмоқда. Жорий йилнинг 1 мартигача «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятига кўмир ташиш учун 50 фоиз миқдорида чегирма берилиши ҳисобига аҳолига сотиладиган кўмирнинг чакана нархи 13 фоизга камайтирилди.

Матбуот анжуманида соҳани ривожлантиришга оид режалар ҳақида батафсил маълумот берилди. Кўмир саноатини 2017-2021 йилларда ривожлантириш ва модернизация қилиш дастури асосида умумий қиймати 690,5 миллион долларлик 6 инвестицион лойиҳа амалга оширилади. Учта коннинг босқичма-босқич ишга туширилиши натижасида 2017 йилда кўмир қазиб олиш ҳажми 3,92 миллион тоннага етказилади.

Тадбир сўнгида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олдилар.

Ўз мухбиримиз.

Йил-ўн икки ой хонада ўтириб, ҳар замонда бир айланиб, ҳисобот учун учрашув ўтказиб келиш мутлақо яроқсиз тажриба бўлганини бугун кўпчилик тан олаяпти.

Марк Боннель:
«ЎЗБЕКИСТОН — ИККИНЧИ ВАТАНИМ»

«Авиценна-Франция» ассоциацияси президенти Марк Боннель билан Самарқандда «Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти» мавзусида ўтказилган халқаро конференцияда танишгандик. Тўғриси, ўшанда унинг юртимизга бўлган муҳаббатидан ҳайратлангандик. 2016 йилда мамлакатимизда ўтказилган Президент сайловида жаноб Боннель кузатувчи сифатида иштирок этди. У билан интернет орқали боғланиб, суҳбатлашдик.

Фаррух АЛИЕВ олган сурат.

— Ўзбекистон ҳақида биринчи марта қачон эшитгансиз?

— Бундан 50-60 йиллар илгари Ўзбекистон мустақил бўлмагани учун хорижда юртингиз ҳақида кўпчилик деярли ҳеч нарса билмасди. Аксарият одамлар Самарқанд ва Бухоро шаҳарлари ҳақида маълумотга эга бўлса-да, уларга Ўзбекистон номи таниш эмасди.

Ўттиз ёшимда Ибн Сино ҳаёти билан қизиқиб қолдим ҳамда унинг айнан Ўзбекистонда туғилгани ва яшаганидан хабардор бўлдим. Юртингизда биринчи марта 1987 йилда бўлганман. Биз франциялик сайёҳлар гуруҳи билан боргандик.

Ўшанда юртингиздаги инсонпарварлик ва меҳмондўстликдан ҳайратланганмиз. Ўн йил ўтиб, яъни 1997 йилда саломатлик лойиҳаси бўйича яна Ўзбекистонга келдим. Бу пайтга келиб, мамлакатда кўп нарса ўзгарган, энг муҳими, юртингиз мустақил бўлганди.

Кейинчалик юртингизга шунчалик кўп келдимки, уларни санаб адоғига етиб бўлмайди. Мен бугун баралла Ўзбекистон иккинчи Ватаним дейишга ҳақлиман. Бу юртнинг табиатини, одамларини яхши кўраман. Бу ердаги тинчликни, меҳмондўстликни юксак қадрлайман.

Ҳамма дўстларим ва яқинларим Ўзбекистонни яхши кўришимни билади. Мен уларга бирор нарса ҳақида гапирадиган бўлсам, яқинларим дарров: «сен ҳар доим Ўзбекистонни эслатасан», дейишади. Мен уларга: «бунинг сабаби — менинг Ўзбекистонга бўлган муҳаббатим», дейман.

Сўнгги беш йил давомида «Passion d'Ouzbekistan» («Ўзбекистон ҳайратлари») номли китоб ёздим. Насиб қилса, бу йил чоп этилади. Бу Ўзбекистонга бормоқчи бўлган сайёҳлар учун ўзига хос қўлланма бўлишидан умидворман.

— Абу Али ибн Синога ҳурматингиз чексиз эканини биламиз. Ушбу олим ижодий ва маънавий меросининг аҳамияти ҳақидаги фикрларингиз билан ўртоқлашсангиз.

— Ибн Сино мусулмон олимлари ичида энг буюкларидан бири бўлган. Унинг амалга оширган ишлари нафақат Шарқдаги шифокорлар, балки Ғарбдаги шифокорлар учун ҳам илҳом манбаи бўлиб хизмат қилган.

Ибн Сино нафақат файласуф ва шифокор, балки яхши математик ҳам бўлган. Улуғ шифокор инсон қон босимини жуда оддий, шунчаки қўлни ушлаб кўриш орқали текшира олган. У одамнинг ҳаяжонланган пайтида юрак уришини энг биринчи бўлиб ўрганган.

Унинг амалга оширган ишлари ва кашфиётлари натижасида ўз вақтида Франция ва Бельгияда жуда кўп ёшлар айнан тиббиёт йўналишида ўқиб, шифокор бўлиб етишган.

— Сизнинг Франциядаги ассоциациянгиз «Авиценна» деб номланади. Унинг фаолияти ҳақида қисқача гапириб берсангиз.

— 2004 йилда ўзбекистонлик дўстларим билан ҳамкорликда мазкур ташкилотни очишга қарор қилдим. Энг асосий мақсад Ибн Синонинг меросини ўрганиш ва уни кенг оммага ёйиш эди. Бундан ташқари, Ўзбекистон ва Марказий Осиё давлатлари билан алоқаларни янада мустаҳкамлашни кўзлаганмиз. Биз бу ташкилотнинг очилиши ўзбекистонлик талабаларнинг Францияга бориб ўқиши учун жуда яхши имконият бўлади, деб ўйлаганмиз. 2004 йилдан бошлаб юзлаб ўзбекистонлик ёшлар Францияга келиб ўқиш ва ўз малакасини ошириш имконига эга бўлди. Бугун уларни кўриб қувонаман.

— Юртимизга жуда кўп келганингизни айтдингиз. Ўзгаришлар ҳақида нима дея оласиз?

— Ўзбекистонда сўнгги 25 йилда жуда катта ўзгаришлар рўй берди.

Айниқса, мамлакат ёшлари ва уларнинг келажаги учун улкан ишлар амалга оширилди. Юртингизнинг энг чекка ҳудудларида ҳам спорт тўгараклари ишлаб тургани кишини қувонтиради. Энг асосийси шундаки, бу борадаги ҳаракатлар аллақачон ўз мевасини бера бошлаган.

Самарқанд мисолида гапирсам, бу шаҳардаги ўзгаришлардан ҳайратга тушдим. Илгари бу шаҳарда бироз тартибсизлик ва шовқин-сурон кузатиларди. Ҳозир ҳаммаси жойига тушаётганига гувоҳ бўляпмиз.

Ҳар бир давлат ўз халқининг анъаналари ва урф-одатларини сақлаб қолиши муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистонда бу жиҳат яққол кўзга ташланади. Термизда, Хоразмда кўплаб тарихий жойлар сақланиб қолган. Маҳаллий аҳолининг уни сақлаш йўлидаги саъй-ҳаракатлари таҳсинга лойиқ. Тарихий шаҳарларга бўладиган саёҳатлар ҳар бир сайёҳни ўзига мафтун этишига ишонаман.

— Суҳбатимиз сўнггида тилакларингизни билдирсангиз.

— Халқингиз буюк маданият эгаси. Ҳали ҳам дунёнинг кўп мамлакатларида Ўзбекистоннинг бой маданий меросини яхши билмайдилар. Ишонаманки, яқин келажакда юртингиз сайёҳлик ривожланган давлатлар қаторига киради. Иқтисодиёт ҳам янада юксалишига тилакдошман. Ўзбекистон халқига барча яхшиликлар ёр бўлишини тилайман.

«Ўзбекистон овози» мухбири Темур АЪЗАМ ва Самарқанд медицина институти талабаси Фирдавс ҲАМИДУЛЛАЕВ суҳбатлашди.

Спорт

Бугун Баҳрайнда велоспорт бўйича 37-Осиё чемпионатига старт берилади. Юртимиз спортчилари маҳаллий шароитга мослашиш мақсадида Баҳрайнга мусобақа бошланишидан бир неча кун олдин етиб бордилар.

ВЕЛОСПОРТЧИЛАРИМИЗ ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИДА

Улар айни пайтда машғулотларни бошлаб юборишган ва юртимизга совринли ўринларни қўлга киритган ҳолда қайтишни режалаштирмоқда.

Терма жамоамиз Осиё чемпионатига қуйидаги таркиб билан жўнаб кетган:

Эркаклар: Мурод Холмуродов, Акром Суннатов, Дилмурод Сиддиқов, Достон Олламов, Искандар Шодиев.

Аёллар: Рената Байметова, Алла Безуглова.

ЖЎРАБЕК КАРИМОВ

ярим финалда

Ёш истеъдодли теннисчимиз Жўрабек Каримов Туркиянинг Анталия шаҳрида ўтказилаётган «Фьючерс» турнири жуфтлик баҳсларида ўз иштирокини давом эттирмоқда.

Ҳамюртимиз энди россиялик Кирилл Дмитриев билан бугун финалга чиқиш учун украиналик Вадим Урсу ва Владимир Ужлёвскийларга қарши кураш олиб боради.

Шаҳбоз САИДОВ тайёрлади.

Матбуот анжумани

Тошкент шаҳар ҳокимлигида фуқароларнинг иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендияларини тўлаш механизмини такомиллаштириш, банк пластик карточкалари орқали амалга ошириладиган ҳисоб-китобларни янада ривожлантиришга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Қарор ижроси таъминланмоқда

Унда Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Нозим Хусанов, Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармаси бошлиғи Музаффар Пардаев, Марказий банк Тошкент шаҳар бош бошқармаси бошлиғи Мажид Тоҳиров ва бошқалар Президентимизнинг «Иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендияларни тўлаш механизмини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижроси бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида ахборот беришди.

— Президентимизнинг қарорида пенсионерлар, талабалар ва аҳолининг бошқа ижтимоий қатламлари ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ва самарали ҳимоя қилишга қаратилган чора-тадбирлар дастуриламал бўлмоқда, — дейди **Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Нозим Хусанов.** — Бугунги кунда пойтахтимизда 274,8 мингдан зиёд пенсионер истиқомат қилмоқда, уларга ойлик ўртача тўлов 167,7 миллиард сўмни ташкил этади. Ушбу маблағ эндиликда нақд пул шаклида тўлаб берилмоқда.

— Тадбиркорлар томонидан назорат-касса машиналарини ёки ҳисоб-китоб терминалларини турли баҳоналарни рўкач қилиб ишлатилмаса, шунингдек, квитанциялар, талонлар, чеклар ёки уларга тенглаштирилган бошқа ҳужжатларни бермасдан хизматлар кўрсатилса, энг кам иш ҳақининг юз баробари миқдорида жаримага тортилади, — дейди **Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармаси бошлиғи Музаффар Пардаев.** — Шунингдек, маҳсулотлар нархини тўлов шаклига қараб ошириладиган ёки пасайтирадиган тадбиркорларга нисбатан ҳам жарима санкциялари қўлланилади.

Тадбирда нақд пул ва банк пластик карталар орқали савдо ва хизмат кўрсатиш тизимини янада ривожлантириш бўйича режалаштирилаётган ишлар ҳақида ҳам маълумотлар берилди.

Моҳира СИДИҚМЕТОВА

Танлов

Китобга меҳр қўйган инсон қалби ҳамиша эзгуликка ошно тутинади. Китоб инсоннинг яқин дўсти, тафаккурни ёритадиган ёрқин мўъжиза. Шу боис халқимиз китобни офтобга, кутубхонани нурхонага қиёслайди.

Энг яхши китобхон

Самарқандда вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан олий, ўрта махсус, касб-ҳунар ва халқ таълими муассасалари талабалари, ўқувчи-ёшлари ўртасида ташкил этилган «Энг яхши китобхон» танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда туман ва шаҳарлардан ташриф буюрган ғолиб жамоалар 5 шарт асосида ўзаро беллашди.

Ҳакамлар ҳайъати хулосасига кўра, мактаблар ўртасида Пахтачи туманидаги 17- ва Нарпай туманидаги 61-умумтаълим мактаблари жамоалари ғолиб, деб топилди. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўртасида эса Пайариқ қишлоқ хўжалик коллежи жамоаси биринчи ўринни эгаллади.

Олий таълим муассасалари талабалари ўртасидаги танлов жараёни қизғин баҳсларга бой бўлди. Якунда Самарқанд давлат университети ёшлари жамоаси энг яхши китобхон, дея баҳоланди.

Абдурасул САТТОРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Маънавий тарбия

Андижон шаҳридаги «Баркамол авлод» болалар ижодиёти марказида «Адабиётга эътибор — маънавиятга эътибор» шиори остида оилавий китобхонлик байрами ўтказилди.

Оилавий китобхонлик байрами

Кенг фойедаги ранг-баранг мазмундаги турли ҳажм ва шаклдаги безакли китоблар кўпчиликнинг диққатини жалб этди.

— Андижондаги Китоб байрами дастур бўйича мамлакатимизнинг қатор минтақаларида ўтказиладиган тадбирнинг бошланишидир, — дейди **«Китоб олами» маънавий-маърифий савдо мажмуаси директорининг ўринбосари Фазлиддин Азимов.** — Китоб байрамини ташкил этишга Андижон вилоят ҳокимлиги, республика Маънавият тарғибот маркази, «Ўздавкитобсавдотаъминоти» масъулияти чекланган жамияти яқиндан ёрдам берди.

— Кўпчиликнинг кўнглида китобга бўлган қизиқиш кучаймоқда, — дейди **Булоқбоши туманидаги 1-умумтаълим мактаби кутубхоначиси Хуршидахон Отабекова.** — Китобга ҳавас уйғотиш оиладан бошланади. Буни ота-оналар ёдда тутмоғи зарур Мактабимиздаги ўқувчилар орасида китобсеварлар кўп. «Бобур билимдонлари» вилоят танловида ўқувчиларимиз биринчи ўринни олганликлари ҳам бунга далолатдир. Бугун кутубхонамизга олтмиш етти номдаги китобларни харид қилдик.

Аҳмадилло СОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Реклама ўрнида

Экспорт салмоғи ошмоқда

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони бу борада муҳим асос бўлаяпти.

Юртимиз ишлаб чиқарувчиларининг хорижий мамлакатларда ўтказилаётган турли халқаро ярмарка ва кўргазмалардаги фаол иштироки Ўзбекистон экспорт салоҳиятининг янада юксалишига хизмат қилаяпти. Бу жараёнда Миллий банк ҳузуридаги Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси фаолияти ҳам муҳим ўрин эгаллаган. Жумладан, жамғарма кўмагида «Ўзагроэкспорт» АЖ ва ўнга яқин маҳаллий ишлаб чиқарувчилар яқинда Москвада 24-марта ўтказилган «Продэкспо — 2017» халқаро озиқ-овқат маҳсулотлари кўргазмасида иштирок этди. Нуфузли халқаро кўргазма якунларига кўра, ўзбекистонлик ишлаб чиқарувчилар хорижий ҳамкорлар билан қиймати 70 миллион АҚШ долларидан ортиқ экспорт шартномаларини тузишга муваффақ бўлди.

Жамғарманинг Қорақалпоғистон Республикаси филиали ҳам хусусий соҳа вакилларининг яқин ҳамкори ва кўмакчисига айланган. Хусусан, жорий йилнинг январида филиал мутахассисларининг ҳуқуқий, молиявий ва ташкилий ёрдамида улар томонидан 1 миллион АҚШ долларидан ортиқ миқдордаги экспорт шартномалари имзоланган. Шундан 11 ишлаб чиқарувчи томонидан қарийб 600 минг АҚШ долларлик маҳсулотлар экспорти амалга оширилган.

Жорий йил якунига қадар жамғарма филиали кўмагида 10 миллион АҚШ долларлик маҳсулотларнинг экспорт қилиниши режалаштирилган. Шунингдек, хорижий мамлакатларда ўтказиладиган 5 та халқаро кўргазма ва ярмаркаларда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар иштирокини ташкиллаштириш орқали 2 миллион АҚШ долларидан ортиқ экспорт шартномаларини имзолаш мўлжалланган.

Мухтасар айтганда, жамғарма томонидан маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга кўрсатилаётган амалий ёрдам уларнинг дунё бозорига чиқиш имкониятини ва юртимиз экспорт салоҳиятини оширишга хизмат қилмоқда.

Алишер РЎЗИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

БУГУН — *Об-ҳаво маълумоти* (°C)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти	+15/+5
Бухоро ва Навоий вилоятлари	+15/+5
Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари	+15/+5
Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари	+15/+5
Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари	+12/+5
Тошкент шаҳри	+12/+4

MUASSIS: O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Hotamjon KETMONOV, Ulug'bek VAFOYEV, Rustam KAMILOV, Saidkamol XODJAYEV, Muslihiddin MUHIDDINOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV, Farrux HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari), Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 238
17555 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi – 220
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 01:20
Topshirilgan vaqti — 02:55
Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi: Temur XUDOYBERDIEV
Sahifalovchi-dasturchilar: Zafar BAKIROV, Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633
1 2 3 4 6